O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 24 сентябрь № 201 (3476) Жума


## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мун Хаёнг 23 сентябрь куни Оқсаройда ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Жанубий Кореяни ўзининг ишончли шерикларидан деб билишини ва ўзаро ҳамкорликни қадрлашини таъкидлади. Элчига юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Корея Республикаси элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини қайд этди.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ханс-Йоахим Кидерлендан ҳам ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда. Президент Ислом Каримов алоқалар кўламини янада кенгайтириш учун икки томонда ҳам имкониятлар кўп эканлигини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан мамлакатларимиз бирдек манфаатдор.

Германия элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда иқтисодий ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги алоқалар янада долзарб аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Ўзбекистондаги фаолияти давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

**(ЎзА).**

## Минтақа хавфсизлиги йўлида

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.ИВАНОВА).***

Тошкентда бошланган халқаро конференция Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига бағишланган. У Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Гессен университети, Фридрих Эберт номидаги жамғарма ва "Фольксваген" (ГФР) жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Икки кунлик конференцияда Европа ва Осиёнинг 16 давлати, жумладан Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Бельгиядан сиёсий арбоблар, экспертлар, дипломатлар қатнашмоқда.

Таъкидландики, сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг геосиёсий аҳамияти анча ортди. Шу боис минтақа давлатлари учун хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш энг муҳим масалалардан бирига айланди. Уларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини минтақамиз давлатлари билан иқтисодий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор аксарият ривожланган мамлакатлар қўллаб-қувватламоқда.

Янги минг йиллик аввалида дунё глобал хусусиятга эга қатор таҳдидларга — халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка дуч келди, деди ўз сўзида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов. Сўнгги вақтда турли мамлакатларда амалга оширилган қатор қўпорувчилик ҳаракатлари террорчилик хавфи айниқса ортиб бораётганини кўрсатди. Бундай ёвузликлар нафақат айрим давлатларда, балки бутун минтақаларда жиддий низолар пайдо бўлиш хавфини кучайтирмоқда. Терроризм ташкилотчилари дунё бўйлаб нафрат ва жаҳолат, агрессив экстремизм мафкурасини тарқатмоқда.

Уни молиявий жиҳатдан таъминлаб турувчи наркобизнес ҳам нотинчлик омили бўлиши мумкин. Айниқса, бу масала Марказий Осиё мамлакатлари учун жуда долзарбдир. Чунки Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар транзити мазкур минтақа орқали амалга оширилади. Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришни талаб этади. Ўзбекистоннинг хавфсизликни кучайтиришга қаратилган ташаббуслари бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг очилиши, наркобизнес билан боғлиқ жиноятчилик ҳақида маълумотларни йиғиш ва таҳлил этиш учун Марказий Осиё минта-

(Давоми 2-бетда).



## Кичик корхонанинг катта ишлари

*Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоғида "Табиий тош" хусусий фирмаси фаолият бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Оддий тошдан санъат даражасидаги мармар кошинлар ишлаб чиқараётган ушбу корхонанинг довруғи юртимиздан ошиб, қўшни республикаларга етди. "Табиий тош" маҳсулотларининг қисқа давр оралиғида бу қадар довруғ қозонишининг сабаби нимада? Маҳсулотнинг сифатли, арзон, айни пайтда жаҳон андозаларига жавоб беришида.*

*Помир тоғ тизмаси таркибига кирувчи Чилустун тоғлари қаъридан ташиб келтирилаётган табиий тошлардан нафақат мармар кошинлар, балки ойна, цемент, алибастер сингари қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқариш мумкин.*

**СУРАТДА: «Табиий тош» фирмаси сангтароши Абдусамад Жўраев.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида сиёсий партиялар вакилларига парламент сайловида сиёсий партияларнинг иштирокини қўллаб-қувватлайдиган сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадаги имзо варақалари берилди.***

## Марказий сайлов комиссиясида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига биноан белгиланган намунадаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилган маълумотномасига мувофиқ мамлакатимизда бешта сиёсий партия шундай партиялар сирасига киради:

***1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.***

***2. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси.***

***3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.***

***4. Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси.***

***5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.***

Ушбу партияларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун партия иштирокини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида /Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри/ сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши мумкин.

Имзо варақалари топширилганидан сўнг улар тўғри тўлдирилганлигини текшириш Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил қилинади. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Сиёсий партиялар парламент сайловида қатнашиш учун Марказий сайлов комиссиясига 17 октябрга қадар барча зарур ҳужжатларни, шу жумладан имзо варақаларини тақдим қилишлари керак.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши томонидан ташкил этилган "Тасанно" халқаро фестивали ўз ишини якунлади.***



## «Тасанно» фестивали

Халқлар ўртасида дўстлик, миллий қадриятларни тараннум этиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда жаҳоннинг бир қатор мамлакатларидан келган моҳир ошпазлар ва сартарошлар иштирок этдилар.

— Мен бундай халқаро танловда илк бор иштирок этдим, — дейди "Тяньцзин-Шарқ" ресторани бош ошпази Шэн Жун Кай. — Халқингизнинг меҳмондўстлиги, одамохунлиги, энг асосийси, самимийлиги менга жуда ёқди. Фестивалда Корея, Грузия, Россия, Туркия сингари бир қатор давлатлар вакиллари иштирок этишди.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра ғолиблар аниқланди ва улар ҳомийлар, ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**М. ХОЛМАТОВА, "Халқ сўзи" мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЙРИЯ ҲАРАКАТИНИНГ ЛОНДОНДАГИ ТАҚДИМОТИ

*Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида Бирлашган Қирolликнинг 16 та йирик хайрия ташкилоти вакиллари иштирокида мамлакатимиз хайрия ташкилотларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

Унда "Сен ёлғиз эмассан" республика жамоатчилик болалар жамғармаси васийлик кенгаши раиси Л.Каримова қатнашди. У "Сен ёлғиз эмассан" ва "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи мультимедиа материалини намойиш этди. Маросим иштирокчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган хайрия фаолияти ва ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳақида сўзлаб берди, йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Қирқ йилдан кўпроқ тарихга эга "Brirtish East-West Center" хайрия ташкилоти директори лорд Кромвель Ўзбекистон хайрия ташкилотлари фаолиятига юқори баҳо берди. У тақдимот маросими икки мамлакат ноҳукумат хайрия ташкилотлари вакиллари учун бевосита алоқалар ўрнатиш, фикр алмашиш ва қўшма лойиҳалар белгилаш учун қулай имконият яратганини ҳам таъкидлади.

Ўзбекистон билан бир неча йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келаётган "Eye Contact" ташкилоти раҳбарлари Адриан ва Жанет Стеннардлар мамлакатимизнинг кўзи ожиз болаларига ёрдам беришда давом этиб, ҳамкорликни янги самарадор даражага кўтаришга умид қилаётганликларини айтишди. Улар "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси билан кенг ҳамкорлик ўрнатиш ниятида эканини изҳор қилишди ва Ўзбекистон томонига кўриш қобилияти чекланган кишилар учун мўлжалланган "Брайль" ёзув машиналарини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалани муҳокама қилишни таклиф қилишди.

"Биз тез кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, ижтимоий муҳофазага муҳтож, серфарзанд оилаларга маслаҳат бериш хизматини йўлга қўйиш имкониятини муҳокама қилмоқчимиз", — деди болаларга кўмак бериш соҳасида ихтисослашган "Everychild" хайрия жамғармаси вакили Ричард Картер "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида. У ушбу лойиҳага ЮНИСЕФ болалар жамғармасини ҳам жалб этиш режалаштирилаётганини айтди.

Ташриф дастури доирасида "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси вакилларининг Бирлашган Қироллик ноҳукумат хайрия ва жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, жумладан, "Оксфам" йирик хайрия ташкилотининг Шарқий Европа бўйича директори Адам Лич, "World Vision" хайрия жамғармаси васийлик кенгаши аъзоси Алан Белл, "Sainsbury Family Charities" жамғармаси раҳбари Сейнсбури хоним, "Буюк Британия-Ўзбекистон" жамияти президенти сэр Тимоти Сейнсбури ва ушбу жамият раиси Хартли Бут билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Британия томони "Сен ёлғиз эмассан" жамғармасининг Меҳрибонлик уйларидаги болаларга таълим-тарбия беришни такомиллаштиришга қаратилган дастурларига катта қизиқиш билдирди. Ўзбекистон томонига Буюк Британия хайрия ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳамкорлик қирралари ва ўзаро мулоқотни Тошкентда давом эттириш масалалари муҳокама қилинди. Республикамиз пойтахтида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, етим болалар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қўшма лойиҳалар уйғунлаштириб олинади.

Ўзбекистон вакиллари "Foundling" етимхонасига ташриф буюришди, Буюк Британиядаги етим болалар турмуш шароити ва тарбияланиш имкониятлари билан танишишди.

Ўзбекистон ноҳукумат нотижорат хайрия ташкилотларининг Буюк Британиядаги тақдимот маросими инглизларга Ўзбекистондаги хайрия фаолияти ва ижтимоий дастурлар кўлами ҳақида биринчи марта батафсил маълумот олиш имконини берди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда Ўзбекистондаги хайрия ҳаракатини тақдим қилган "Сен ёлғиз эмассан" ва "Соғлом авлод учун" жамғармалари Ҳамдўстлик давлатлари хайрия жамғармалари орасида биринчи бўлиб Бирлашган Қиролликда бундай тадбирни амалга оширишди. Бу эса Британия вакиллари томонидан мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ноҳукумат ташкилотларининг амалий ривож топаётганини тасдиқловчи далил сифатида қабул қилинди.

Бўлиб ўтган учрашувлар ва музокараларнинг самараси ўлароқ, томонлар кейинги йилнинг биринчи ярмида Тошкентда Буюк Британия хайрия ташкилотлари вакиллари иштирокида амалий анжуман ўтказишга келишиб олдилар.

**"Жаҳон" АА.**

***"Норин тола" ҳиссадорлик жамиятида янги технологик жиҳозлар ўрнатилгач, биргина электр қуввати сарфи бир ярим баравар қисқарди.***

## Тежамкор технология

***Эндиликда корхонанинг ярим асрдан кўпроқ ишлаб анча эскирган дастгоҳ ва ускуналари ўрнини бирмунча тежамкор механизмлар эгаллаган.***

***Янги мавсумни муваффақиятли бошлаган пахта тозаловчилар жорий йилда 30 минг тонна хомашёни қайта ишлаб, ундан чиққан толанинг асосий қисмини экспорт қилишни мўлжалламоқда.***

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## Сариосиёликлар ғалабаси




Бобур номидаги ширкат хўжаликлари пахтакорларининг қувончлари чексиз. Негаки, қабул пунктларига топширилган 17 минг тонналик хирмонда уларнинг ҳам салмоқли улушлари бор-да!

Республикада биринчи бўлган туман далаларида ҳали ҳосил мўл. Бугун гектарлар ҳосилдорлиги ўртача ўттиз центнерни ташкил этаётган бўлса, мавсум охирига қадар бу кўрсаткич ўттиз беш центнерни ташкил этади. Бу сариосиёлик лафзи ҳалолларнинг аҳди.

Янгиликнинг қаноти бор, дейишади. Сариосиё тумани пахтакорларининг йиллик шартномавий режаларини бажарганлик ҳақидаги хушхабар довонлар ошиб пойтахтга ҳам етиб келди. Ушбу муваффақиятни таъминлашга улкан ҳисса қўшган "Дашнобод", "Сариосиё",

**Ўз мухбиримиз.**

"Халқ сўзи" назоратида



## Шон-шуҳрат тикланади

Газетамизнинг шу йил 5 май сонида "Оқ ҳарир"даги қора доғлар" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Фарғона вилоятидаги пиллачиликдаги бугунги аҳвол — соҳадаги депсиниш, орқага чекиниш ҳолатлари тилга олинган, аҳвол шу тарзда давом этаверса аввалги шуҳрат тикланармикан, деган савол ўртага ташланган эди. Фарғона вилояти "Пилла" акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси А.ШОКИРОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда, жумладан, шундай дейилади:

*"Мақола бирлашма тизимидаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда ҳақиқатан ҳам вилоятда пиллачилик соҳаси ачинарли аҳволда эканлиги кўрсатиб берилган. Бирлашма кейинги икки-уч йил ичида 134 млн. сўм зарар билан чиққан. Бу қарздорликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган корхона ва ташкилотларнинг бир неча собиқ раҳбарларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонуний баҳо берилди. Ҳозирги кунда бу ҳолатни ўрганиш ва молиявий жиҳатдан барқарорлаштириш мақсадида аудит текшируви ўтказилмоқда. Дебитор, кредитор қарздорлик таҳлил қилинмоқда.*

*"Ўзбек ипаги" уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги топшириғига асосан бирлашма тизимидаги айрим раҳбарлар алмаштирилди. Қарздорликларни беркитиш мақсадида уюшмадан 2004 йил ҳосили учун олдиндан 150 млн. сўмлик фьючерс шартнома асосида маблағ ажратилмоқда. Шунингдек, бу йилги пилла ҳосилининг эллик фоизини экспорт қилиш учун тегишли чет эллик ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда. Жорий йилда барча қарздорликлар тугатилиб, вилоятнинг пиллачилик соҳасидаги илгариги шон-шуҳратини тиклаш учун тегишли ишлар амалга оширилмоқда".*

*Қарор ва ижро*



***Дарахтлар ва ўсимликларнинг ҳавонинг мўътадиллаштиришдаги аҳамияти беқиёс. Масалан, биргина арчани олиб кўрайлик. Унинг республикамизда қора, савур, ўрик ва бошқа бир неча турлари ўсади. Айниқса, арча дарахтининг табиатни мусаффо қилишдаги ўрни ниҳоятда катта. Масалан, бир гектар ердаги бундай дарахтлар бир кеча-кундузда 68 тонна карбонат ангидридни ютиб, кислород чиқаради. Ёки нафас олиш йўллари учун ниҳоятда фойдали бўлган 3-4 килограмм фитонцит ишлаб чиқаради. Шунингдек, арчанинг халқ хўжалигида аҳамияти ҳам катта бўлиб, у узоқ муддат ўз хусусиятини йўқотмайди: Очиқ ҳавода 400 йил, сувнинг тагида эса 100 йилгача бузилмай туриши мумкин.***

# Ўрмонлар — миллий бойлигимиз

## лекин уларга қандай муносабатда бўляпмиз?

Республикамиздаги ўрмонзорларнинг умумий майдони 8,1 миллион гектар бўлиб, уларнинг 7 миллион гектари чўл, 831 минг гектари тоғ, 164 минг гектари водий ва 113 минг гектари тўқай ҳудудлардан иборат. Бевосита дарахтлар билан қопланган ерлар эса 2,37 миллион гектарни ташкил қилади. Бу мамлакатимиз умумий ер майдонининг атиги 5,3 фоизига тенг, холос. Шу боис ўрмонзорларни кўпайтириш, уларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар йили 41-42 минг гектар майдонда янги ўрмонлар барпо этиляпти. Шу жумладан, Орол денгизининг қуриган ерларида чанг-тўзонларнинг олдини олиш ва қумларнинг кўчишини бартараф этиш мақсадида 16,5-17 минг гектар ерга ҳимоя сифатида саксовул ва турли хил буталар экилмоқда.

Республикамизда ўрмончиликни ривожлантириш, уни асраб-авайлаш учун барча қонуний ва ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, "Ўрмон тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги, "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлар ва ҳукуматимизнинг тегишли қарорлари шулар жумласидандир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўрмончиликни ривожлантириш, доривор ўсимликлар етиштириш, ноёб ҳайвонларни кўпайтириш ва уларни овлаш ишлари билан шуғулланади. Унинг таркибида 7 та республика ташкилоти, 67 та ўрмон, 8 та ихтисослаштирилган ўрмон, 6 та ов хўжалиги, 1 та миллий боғ ва 6 та қўриқхона мавжуд. Чўл ҳудудидаги ўрмонзорларда саксовул, черкез, қандим дарахти ва буталари, тоғолди ерларида арча, ёнғоқ, мевали дарахтлар, тўқайзорларда турангил, тол, жийда, водий ўрмонзорларида эса қўлда экилган мевали ҳамда манзарали дарахтлар турлари ўсади.

Жамоа ўз олдига қўйилган вазифаларни уддалаш учун барча чораларни кўрмоқда. Кейинги йилларда ўрмонзорлар барпо этиш, кўчатхоналар ташкил қилиш мақсадида 200 тоннадан ортиқ турли хил дарахт ва буталарнинг уруғлари тайёрланди. Айни чоғда ноёб игнабаргли кўчатларни етиштиришга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг кузида 820 минг дона қайрағоч, 305 минг дона виргиния арчаси, 78 минг донага яқин ёнғоқ, 45 минг дона эман, қарийб 40 минг дона чинор, 32 минг дона каштан ниҳоллари ва кўчатлари етиштирилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, 200 гектар майдонда янги кўчатхоналар ташкил этилди.

Айни пайтда ўрмончиликда ечимини кутаётган муаммолар анчагина. Масалан, 1992 йилдан бошлаб республикамиз қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерларида шартнома асосида иҳотазорлар барпо этиш ишлари тўхтаб қолган. Ваҳоланки, бундай дарахтларнинг халқ хўжалигида ўрни ниҳоятда катта. Хусусан, экинлар ҳосилдорлигини 30 фоизгача оширади. Ўрмончилик бош бошқармаси саъй-ҳаракати билан ҳозирги кунда мазкур ишлар қайта тикланиб, қарийб 75 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорлари барпо этиш кўзда тутилган. Режага биноан, жорий йилнинг баҳорида Сирдарё вилоятидаги "Узоқов" фермер хўжалигининг 21 гектар ерида ана шундай дарахтларнинг ниҳоллари экилди. Лекин бу ишни жадаллаштириш ва республикамизнинг кучли шамол бўлиб турадиган барча ҳудудларида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

***Қўриқхоналарда 1015 хил ўсимлик ва 350 турдаги умуртқали ҳайвонлар мавжуд. Улар сонини кўпайтириш борасида чора-тадбирлар кўрилаётганлиги боис, бу борада ижобий натижаларга эришиляпти.***

Ўрмонзорлар яратиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 14,8 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этилди. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи тупроқ ва иқлим шароити оғир бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларининг чўл ҳамда саҳро ҳудудларида амалга оширилди. Шунингдек, Орол денгизининг қуриган ерларида саксовул ва бошқа ҳимоя кўчатлари барпо этиш борасида чет эл ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Масалан, Франциянинг "Кофютис" нодавлат ташкилоти билан ўтган икки йилда 2650 гектар, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ЖЭФ) томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига 429 гектар, шунингдек, Германиянинг техникавий ҳамкорлик маркази томонидан эса 16 минг гектардан ортиқ ерда ўрмонлар яратилди. Шунингдек, Туркия давлати ушбу ҳудудга ёрдам тариқасида 2 трактор ажратди.

Шу билан бирга, Ўрмончилик бош бошқармасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган шифобахш ўсимликларни етиштириш ва уларни тайёрлаш борасида ҳам бир қатор ишлар рўёбга чиқарилаяпти. Айни пайтда бош бошқарма таркибида мазкур иш билан шуғулланадиган 8 та ихтисослашган ва 22 та ўрмончилик хўжалиги мавжуд. Уларда ҳар йили тайёрланган 300 тоннадан ортиқ доривор ўсимликлар "Шифобахш" бирлашмасининг корхоналарида қадоқланиб, республикамиздаги дорихона, санаторий ва фитобарларга етказиб берилмоқда.

Шунингдек, қўриқхоналарда 1015 хил ўсимлик ва 350 турдаги умуртқали ҳайвонлар мавжуд. Улар сонини кўпайтириш борасида чора-тадбирлар кўрилаётганлиги боис, бу борада ижобий натижаларга эришиляпти. Масалан, кейинги пайтда эркин шароитда яшайдиган, ўта ноёб ҳисобланган "Бухоро" буғусининг сони 320 бошга, бурама шохли "Мархур" ёввойи эчкининг сони 190 бошга, "Қизилқум" қўйлари сони эса 1800 бошга етди.

Мавжуд ўсимликларнинг 66 тури ва ҳайвонларнинг 46 таси ноёб ҳисобланиб, мамлакатимизнинг "Қизил китоб"ига киритилган. Табиийки, уларни асраб-авайлаш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчи бўлиши лозим. Аммо миллий бойлигимиз ҳисобланган бундай ўсимликларга зарар етказувчи, жониворларни овловчи кишиларнинг учраб турганлиги афсусланарли ҳолдир. Мисол учун, кейинги йилларда қўриқхона, миллий боғлар ва ўрмон хўжаликларида содир этилган ана шундай қонунбузарликлар бўйича 183 та баённома тузилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди. Айбдорларга нисбатан эса 4341,6 минг сўм жарима солинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги "Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, республикамиздаги кўпгина вазирлик, компания ва уюшмалар зиммасига ҳар йили 4500 гектар майдонда терак ва бошқа дарахтларнинг кўчатларини экиш режалаштирилган эди. Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бу борада доимо ибрат бўлмоқда. Ҳозиргача жами 4200 гектар суғориладиган, шу жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 300 гектар майдонда ёғочбоп дарахтзорлар ташкил этилди. Лекин афсуски, мазкур қарор бошқа вазирлик ва идоралар томонидан бажарилмаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Айтайлик, 1994-2002 йилларда 76500 гектар ерда дарахтзорлар барпо этиш режалаштирилган бўлиб, амалда эса 30081,9 гектар майдонга ниҳоллар экилди. Бу белгиланган топшириқнинг 39,3 фоизини ташкил этади, холос. Мазкур масалага дахлдор идоралар ва жойлардаги ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек, туманлар ҳокимлари ушбу вазифага эътиборни сусайтирмаслиги, бу ишга жиддий киришишлари лозим.

Мамлакатимиз турли ноёб, бошқа ҳудудларда учрамайдиган дарахтлар, бой ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсига эга. Шунингдек, унинг табиати ҳам ниҳоятда бетакрор ва бойдир. Уларни асраб-авайлаш ва кўпайтириш ҳар бир кишининг бурчи бўлиши лозим.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

***Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси А.Орипов бошқарди.***

Мажлисда радиочастота спектри техник назорати тизими қурилиши иккинчи босқичининг бориши кўриб чиқилди. У бутун республика ҳудудида самарали радионазорат учун шароит яратувчи радиомониторинг тизими ўрнатилишини кўзда тутади. Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилиши ноқонуний фаолият кўрсатган узатгичларни аниқлашда ижобий натижа берди. Ўтган даврда радионазорат пунктлари томонидан 12281 эфирга чиқиш ҳолати қайд этилди ва 1160 та ноқонуний фаолият кўрсатган узатгич аниқланди.

Мазкур лойиҳанинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланишни самарали бошқариш бўйича дастурий таъминотни ҳам кўзда тутади.

Шунингдек, мажлисда 174-230 МГц ва 470-862 МГц частоталар полосаларида рақамли телевизион узатишни режалаштириш, бошқа хизматлар радиоэлектрон воситалари ишлаши учун бу полосалардан фойдаланиш шартлари, радиочастота регистрини яратиш масалалари кўриб чиқилди. Радиочастота спектри фаолиятини яхшилаш, радиотелефон алоқасининг янги тизимларидан фойдаланишга оид чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**



# Даромадга яраша буромад

Конимех туманидаги Конимех наслчилик ширкат хўжалиги қоракўлчиликка ихтисослашган. Бу ерда 60 мингдан зиёд қўй-қўзи боқилаяпти. Хўжаликда бу йил кўкламда ҳар юз бош қўйдан 126,2 бошдан қўзи олинди. Чўпонлар оилавий пудрат асосида ишлаётганлиги учун йилдан-йилга уларнинг даромадлари ҳам кўпайиб бормоқда. Масалан, бу йил чўпонлар ўртача 3,5 —7 миллион сўмдан даромад олишни мўлжаллаб туришибди.

Хўжалик даромади ортиб боргани сайин, аҳоли турмуш тарзи ҳам юксалиб бормоқда. Ўтган йили конимехликлар мактабларни таъмирлаш ва янгиларини бунёд этиш учун 40 миллион сўм маблағ сарфлади. Ўқувчиларга 1,5 миллион сўмлик китоблар ва бошқа ўқув қуроллари олиб берилди. Шунингдек, хўжалик ҳудудидаги мавжуд тўртта мактаб учун бир миллион сўмлик спорт анжомлари ҳам харид қилинди. Кам таъминланган оилаларнинг 78 нафар фарзандига йил давомида бепул иссиқ овқат берилди. Бир сўз билан айтганда, хўжаликда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизимларига катта эътибор берилмоқда.

**СУРАТДА: хўжалик раиси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени нишондори Жаидилло Буқаев мактаб ўқитувчилари Дамеш Қўчқорбоева ва Бағдаш Шодмонова билан янги ўқув йили режалари ҳақида суҳбатлашмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

# Минтақа хавфсизлиги йўлида

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

қавий ахборот-таҳлил марказини ташкил этиш ташаббуси — буларнинг барчаси давлатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатининг амалдаги ифодасидир.

Хавфсизлик йўлида ҳамкорликни кенгайтириш муаммони ҳал этишнинг ягона тўғри ечимидир. Буни конференциянинг очилишида сўзга чиққан Гессен университетининг Марказий Осиё бўйича лойиҳаси раҳбари Раймунд Зайдельман, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг минтақамиз бўйича лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Райнхард Крумм, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен алоҳида қайд этди. Европа Иттифоқининг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш Марказий Осиё минтақасида зарур ҳаракатларни ташкил этиш учун қўшимча имкониятлар очиши мумкин.

Анжуманда таъкидланганидек, Марказий Осиё мамлакатлари тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда халқлар ва давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг бой тарихига эга. Ўз навбатида, бу тажриба бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу боис Германия университет ва жамғармалари конференцияда муҳокама қилинган муаммоларни ўрганишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун юртимиздаги ташкилотлар билан самарали алоқаларни ривожлантириш ниятида.

Конференция очиқ мулоқот ва самарали тажриба алмашиш руҳида ўтмоқда.

*Истиқлол берган имкон*

***Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб фуқароларимиз янги замон шарт-шароитларига қанча эртароқ кўникма ҳосил қилсалар, жаҳондаги илғор мамлакатлар халқларининг турмуш кечиришдаги бой тажрибаларини қанча чуқур ўзлаштириб борсалар хонадонларимиз ҳам, юртимиз ҳам шунча тез фаровонлашиб боражагини турли минбарлардан қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, инсон омили ҳар бир даврда, ҳар бир тадбирда доимо ҳал қилувчи куч бўлиб келган, шундай бўлиб қолаверади.***

# Олтиариқнинг олтинлари



Олтиариқ ишлаб чиқаришнинг мўътадил ўсиб бориши, қишлоқларнинг ободонлашуви, аҳоли турмуш даражасининг кескин юксалуви жиҳатидан республикамизда тилга тушган туманлардан биридир. Бундай ютуқлар эса, ўз-ўзидан келаётгани йўқ. Уларнинг ортида ҳар бир ишнинг кўзини биладиган, ҳар бир муаммонинг жигини топа оладиган минглаб ишчан ва фикрчан инсонлар турибди.

— Олтиариқликлар ҳаддан ташқари ғайратли халқ, — деган эди бу туманнинг энг фидойи кишиларидан бири бўлган раҳматли Абдубанноб Охунжоний. — Лекин, ғайрат дегани машинанинг моторидек гап. Агар ақлдан руль ясаб, бошқариб турилмаса, қуруқ ғайрат саҳродан оқиб, барханларга сингиб кетувчи фойдасиз дарёга ўхшаб қолади. Худога шукурки, тумандошларимизда уддабуронлик ҳам етарли.

Ҳа, туман аҳли эришаётган ютуқларнинг асосий калити мана шунда — ғайрат ва ақлнинг уйғунлигида. Ҳар қайси олтиариқликнинг қалбида ота-бобосидан қон орқали ўтган беором бир туйғу мавжланиб туради. Бу бировга зориқмасдан кун кўришга уриниш туйғусидир. Аслида, шахснинг мустақиллиги ҳам, юртнинг мустақиллиги ҳам ўз оиласини, ўз халқини бошқаларга зориқтирмасликка эришмоқликдан бошланса, ажабмас.

Қадимшуносларнинг Олтиариқдаги айрим жойларда олиб борган қазилма ишлари бу ҳудудда деҳқончилик маданияти минг йилча олдин ҳам жуда юқори бўлганини исботлаб берди. Олтиариқ Буюк Ипак йўли тизимидаги ўзига хос ҳалқалардан бири сифатида гавжумлашиб ва ободонлашиб борган. Оқпошшо ҳукмдорлиги даврида олтиариқлик вагончи бойлар Россияда фақат пахта, пилла, жун кабилар билан эмас, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан ҳам савдо қилишгани, қуритилган меваларни ҳатто Варшава бозорларигача етказиб боришгани ҳақидаги тарихий маълумотлар сақланиб қолган. Лекин, Қизил империя сиёсатдонларининг саксон йил давомида бутун Ўзбекистондаги сингари бу туман деҳқонларини ҳам асосан колхоз далаларига кишанлаб қўйишга уриниши, томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни давлат ташкилотларига сувтекинга сотишни истамай, узоқроқдаги бозорларга интилганларни эса чайқовчи сифатида айблашгача бориб етишгани ерли аҳолини тадбиркорликдан тобора бездираверди.

Кейинги авлод вакиллари ўз аждодларининг томорқачилик ва савдогарликдаги улкан тажрибаларини гўё йил сайин унутиб бораётгандек эди. Бироқ, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ олтиариқликлар қайтадан ўзлигини топа бошлашди. Юртбошимиз бошлаб берган «Томорқа инқилоби»нинг аҳамияти Олтиариқда алоҳида ярқираб кўзга ташланди десак, сира муболаға бўлмайди.

Ўтган қисқа вақт ичида олтиариқликларга кейинги салкам юз йил давомида берилганидан қарийб икки баравар кўп томорқа ерлари ажратилди. Қўшни туманларда яшовчилар бодринг ва турп энди дунёга сиғмай кетса керак деб ўйлашганди. Аммо, бундай бўлмади. Сўнгги йилларда бодрингга қизил шира оралаб, ҳосилдорлик камайиб бораётганини ҳисобга олишдими ёки сув тақчиллиги шароитида кунда, кунора суғоришни талаб қилувчи бу экин қўшимча қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини назарда тутишдими, янги томорқачилар асосан узум ва хурмо экишга ружу қўйишди. Бу ишлар ҳеч қандай кўрсатмаларсиз, ҳеч қандай мажлисларсиз амалга оширилганлиги, деҳқонлар бозорнинг эртанги кун талабларини инстинктив равишда ҳис эта олганликлари кишини ҳайратга солади. Шундай қилиб, «Бодринглар мамлакати» бўлиб танилган Олтиариқ кейинги 6-7 йил ичида «Узумлар салтанати»га ҳам айланиб улгурди.

Кўпни кўрган кексалар тупроқ титкилаб тирикчилик қилишни гўр азобига қиёслашган. Деҳқонлар эса, экиндан ҳосил олиш жами машаққатнинг юздан бири холос, қолган тўқсон тўққизи уни ириттмай-чиритмай сота олишдадир, дейишади. Бундай оғир ташвишни енгиллатишда маҳаллий тадбиркорлар ерчиларнинг жонига оро киришди. Олтиариқнинг бодринглари-ку ўзимиздаги ва ёндош давлатлардаги шаҳарларнинг бозоридан ортмай қолди. Демак, юзлаб эмас, минглаб тонна узум, хурмо ва турплар учун кўҳна Туркистон ҳудудидаги бозорлар торлик қила бошлади. Харидорларни узоқроқдан қидириш эҳтиёжи ортиб бораверди, шунга қараб, Олтиариқда даставвал хусусий «КамАЗ»лар, кейинчалик «Мерседес», «Волво» янглиғ совутгичли юк автолари кўпайгандан кўпаяверди. Маҳаллий тадбиркорлар янгидан-янги бозорларни ўзлаштириб, чет мамлакатлардан ўзларига кўпроқ ишончли шериклар топа бошлаганлари сари уларни автолар ҳам қониқтирмай қўйди. Ҳозирга келиб, Олтиариқнинг мева сабзавотлари ортилган совутгичли вагонлар Россия Федерацияси, Болтиқбўйи мамлакатларининг ўнлаб шаҳарларига пешма-пеш қатнайдиган бўлиб қолди.

Янги вагончи бойларнинг энг кўзга кўринганларидан бири полосонлик Муҳаммадали Умрзоқовдир. Ишни ёлланма «КамАЗ»га мева босиб, нисбатан яқинроқдаги бозорларда савдо қилишдан бошлаган бу йигит иши юришгани сайин атрофига сармоядор шериклар тўплаб, савдо кўламини кенгайтириб бораверди. Эндиликда йигирма кишилик бу гуруҳнинг ихтиёрида 30 тонналик совутгичли «Волво», «Отайўл» юк машинаси ва автобуси, 4 та «Дамас» бор.

— Қанча пул топмасин, одам боласи барибир қорнига керагидан ортиғини еёлмайди, — дейди Муҳаммадали. — Бизни қувонтирадиган, ғурурлантирадиган нарса шуки, бошқаларга озми-кўп нафимиз тегиб турибди, ўзгаларнинг ризқига ризқ қўшилишига баҳолиқудрат сабабчи бўляпмиз. Биз учун асосий бахт шу.

Бу гуруҳ 60 нафардан зиёд кишини доимий иш билан таъминлаган. Мавсумий ишларга эса 150 нафар атрофида ёлланмачи жалб этиб турилади. Савдодан қанча кўп фойда келса шунча кўп ҳақ олишларини яхши англаб етган ишчилар мева узишда ҳам, уларни яшикларга жойлашда ҳам сифатсизликка асло йўл қўймайдилар. Бу эса бошқа юртлардаги харидорларнинг шерикчиликка бўлган ишончини орттириб бормоқда.

Муҳаммадалининг йигитлари эндиликда ўз маҳсулотларини Литва Республикаси орқали олис хориж мамлакатларга жўнатишни ҳам аста-секин йўлга қўймоқдалар. Уларнинг келгусидаги режалари вильнюслик тадбиркорлар билан биргаликда Олтиариққа мева қуритиш мини заводини қуриш ва маҳсулотнинг аксарият қисмини чет элга экспорт қилишга эришишдир.

Яна бир полосонлик йигит — бутун умри элнинг тўй-маъракаларида хизмат қилиш билан ўтган Раҳмат сартарошнинг ўғли Ҳокимназар эса, мевафурушликдан орттирган маблағларини ишлаб чиқаришга йўналтиришни аллақачон ўрганиб олди. У очган мих ишлаб чиқариш цехининг маҳсулоти бутун водийда харидоргир бўлиб кетди. Шу кунларда у мева шарбати ишлаб чиқарадиган мини завод қуришга киришган.

Бу борада бир нарсага эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман. Қишлоқнинг оддий йигитларидан бўлган Муҳаммадали ҳам, Ҳокимназар ҳам шунча ишни давлатдан бирор тийин кредит олмасдан, ўзида бор сармояни омилкорлик билан сўмма-сўм кўпайтириб бориш эвазига уддалаб келишмоқда. Бундайларга қойил қолмай бўладими?

Олтиариқлик томорқачиларнинг миришкорлиги, тадбиркорларининг ишбилгичлиги ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин, буни барибир қилиб кўрган билади. Буларни ёзишдан мақсадимиз эса, томорқа имкониятларидан қиёмига етказиб фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотлар бозорини топиб сота билиш илмини эгаллаш мамлакатимиз қишлоқларининг янада ободонлашуви, қишлоқ аҳли турмуш фаровонлигининг янада юксалувида беқиёс аҳамият касб этишлигини яна бир бор таъкидлаб ўтишдир. Фақат давлатнинг ёки жойини ҳассос фермерларга бўшатиб бериш арафасида турган ширкат хўжаликлари раҳбарларининг қўлига қараб туриш билан иш битмайди. Эндиликда «атрофга ҳам чоп, ўзингдан ҳам топ» қабилида яшашга кўникмоғимиз зарур бўлади. Буни Олтиариқ мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган йили туманда пахта, дон, пилла етиштиришдан олти миллиард сўмдан зиёдроқ даромад олинган бўлса, томорқачилар фақат узум ва меванинг ўзидан уч миллиард сўм атрофида фойда кўришди. Бодринг, турп, қовун-тарвуз сингари маҳсулотлардан кўрилган наф бундан-да кўпроқ бўлди. Натижада баъзи хонадонлар лоақал ёзу қишлик эҳтиёжини қоплайдиган маблағ жамғариб олган бўлса, баъзилари ўзидан орттириб, турли қурилиш ва ободонлашув ишларига мўмай хайриялар ўтказишга ҳам қурби етадиган бўлишди.

Тошкентлик бир дўстим қишлоғимизга борганида, кишиларимизнинг ҳаёт тарзини кузатиб: «Олтиариқ нега бой? Ёки бу туманда олтин кони борми?» — деб сўраган эди. Ҳа, Олтиариқда олтин кони беҳисоб — бу ҳудудда яшайдиган 170 минг кишининг ҳар бири чинакам олтин конидир ва бу конлар йиллар ўтган сайин кўпайгандан кўпайиб бораверади, Ўзбекистоннинг туганмас бойлиги бўлиб қолаверади.

Бу йилги Мустақиллик байрамини туман марказидаги стадионда қишлоқдошларим билан бирга нишонладик. Республикамиз мадҳияси ижро этилаётган дамда ғаройиб бир ҳодиса юз берди — стадион устида лочинлар галаси пайдо бўлиб, доира қуриб айлана бошлашди. Байрам томошаси тугагач, бир гуруҳ қариялар туман ҳокими Нўъмонжон Омоновга: «Лочинларнинг одамлар тўпланган жойда қалқонланиб айланиши камдан-кам учрайдиган мўъжиза. Бу ўша жойга катта ризқ ёғилишидан дарак беради. Бу йил Ортиариққа худо берди деяверинг», дея уни қутлай кетишди. Ҳоким эса, уларнинг сўзини тўлдирган бўлди:

— Устимиздаги осмон — Ўзбекистонимизнинг осмони. Бундан чиқди, битта Олтиариққа эмас, вилоятимизгаям, республикамизгаям катта ризқ ёғилади, иншооллоҳ.

Илойим, шундай бўлсин. Халқимизнинг қалбидек мусаффо осмонимизда ҳосиятбахш лочинлар бундан кейин ҳам безавол чарх ураверсин, юртимиздан қут-барака аримасин.

**Анвар ОБИДЖОН.**

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, "ФИНАМ" (Россия) Инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

**"ТОШКЕНТ ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 39 % АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ;**

"Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 39 % (ўттиз тўққиз фоиз) ни ташкил этувчи 5 649 047 (беш миллион олти юз қирқ тўққиз минг қирқ етти) дона эгасининг номи ёзиладиган оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 6 196 472 (олти миллион бир юз тўқсон олти минг тўрт юз етмиш икки) АҚШ доллари. "Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" ОАЖнинг 39 % акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

Корхонанинг асосий фаолияти қуйидагилардан иборат: депо ва бошқа турдаги йўловчи вагонларни таъмирлаш, ЭР-9Е ва ЭР-2 русумли электрпоездларни таъмирлаш, янги йўловчи вагонларни йиғиш, вагон эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, аҳоли ва корхоналарга маиший, хўжалик, транспорт ва савдо хизматларини кўрсатиш, барча турдаги транспорт воситаларига ярокли стандарт бўлмаган асбоб-ускуналарни лойиҳалаштириш ва тайёрлаш. ДАТК "Ўзбекистон темир йўллари" ва бошқа ташкилот, корхоналар "Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи" ОАЖнинг буюртмачилари ҳисобланишади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилгоҳларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 25 октябрда тугайди.**

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2004 йил 25 ноябрда тугайди.**

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилгоҳларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент, 700003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, №55
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Улуғбек Каримович Ваҳобов,
Бош директор эътиборига.

Телефон: +998 (71) 139 22 51
Факс: +998 (71) 139 22 79
Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz

***Молиявий маслаҳатчи:***
"ФИНАМ" инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва, 103045,
Даев тор кўчаси 20. "Даев–Плаза"
Бизнес-маркази, 2.16 офис

Максим Евгеньевич Кузин,
Бош директорнинг биринчи ўринбосари эътиборига.
Телефон: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40
Факс: +7 (095) 204 8107
Эл. почта: mxk@finam.ru
mxk@freemail.ru

9831-2Н/2158

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company **FINAM** (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces

**the Open Tender for Privatization Sale of the 39% Share Package of the Joint Stock Company "Tashkent plant for repairing passenger coaches"**

5 649 047 (five million six hundred forty nine thousand forty seven) shares of common stock of the JSC "Tashkent plant for repairing passenger coaches" constituting the aggregate of 39% (thirty nine percent) of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 6 196 472 (six million one hundred ninety six thousand four hundred seventy two) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 39% of shares of the Company and to take upon investment obligations.

JSC "Tashkent plant for repairing passenger coaches" renders services on: major repairs of depots and other types of maintenance of passenger coaches; major repairs of electric trains ЭР-9E and ЭР-2 types; assemblage of new passenger coaches; manufacturing train spare parts; rendering general household, communal, transport and commercial services to the population and companies; manufacturing and marketing of consumption goods and construction appliances; designing and manufacturing vehicle non-standard equipments. The customer circle consists of the State joint-stock railway company "Uzbekiston temit yullari" and other enterprises.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

**The Tender Documentation can be purchased till the date of October 25, 2004.**

**The Bid Submission Deadline is November 25, 2004.**

For all issues related to the tender, please contact:

*The Work Body of the State Property Committee:*
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 17th Floor
Uzbekistanskaya str. 55
700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Ulugbek Vahabov
Director General

Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@mail.tps.uz

*Financial Adviser:*
Investment company "FINAM"
20, Dayev side str., "Dayev-Plaza" Business-Center, 2.16 office, Moscow, Russian Federation, 103045

Attention: Mr. Maxim E. Kuzin
First Deputy Director General

Telephone: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40
Fax: +7 (095) 204 8107
Email: mxk@finam.ru
mxk@freemail.ru

9831-1Н/2158

## ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига мувофиқ, "ФИНАМ" (Россия) Инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

**"ЎЗВАГОНТАЪМИР" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 39% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

"ЎЗВАГОНТАЪМИР" ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 39 % (ўттиз тўққиз фоиз)ни ташкил этувчи 1 157 608 (бир миллион бир юз эллик етти минг олти юз саккиз) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 1 739 150 (бир миллион етти юз ўттиз тўққиз минг бир юз эллик) АҚШ доллари. "ЎЗВАГОНТАЪМИР" ОАЖнинг 39 % акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

"ЎЗВАГОНТАЪМИР" ОАЖ "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК компаниясининг янги структуравий бўлинмаси ҳисобланиб, унинг асосий вазифасига халк хўжалик молларини ташишда ярокли юк вагонлар ва контейнерлар билан таъминлашга оид ягона техник ва иқтисодий сиёсат олиб бориш, шунингдек, ҳамма турдаги юк вагонларни (депо ва капитал) таъмирлаш ва уларнинг хизмат муддатини узайтириш киради. "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК ва Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг турли саноат корхоналари буюртмачилари ҳисобланади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилгоҳларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2004 йил 25 октябрда тугайди.**

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2004 йил 25 ноябрда тугайди.**

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилгоҳларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

***Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:***
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент, 700003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, №55
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Улуғбек Каримович Ваҳобов,
Бош директор эътиборига.

Телефон: +998 (71) 139 22 51
Факс: +998 (71) 139 22 79
Эл. почта: ccpbuz@mail.tps.uz

***Молиявий маслаҳатчи:***
"ФИНАМ" инвестицион компанияси, Россия Федерацияси, Москва, 103045,
Даев тор кўчаси 20. "Даев–Плаза"
Бизнес-маркази, 2.16 офис

Максим Евгеньевич Кузин,
Бош директорнинг биринчи ўринбосари эътиборига.
Телефон: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40
Факс: +7 (095) 204 8107
Эл. почта: mxk@finam.ru
mxk@freemail.ru

9831-2Н/2158

## INVITATION TO TENDER

### STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan #185 dated April 17, 2003 and with the participation of the investment company **FINAM** (Russia) as the Financial Advisor, hereby announces

**the Open Tender for Privatization Sale of the 39% Share Package of the Joint Stock Company "UZVAGONTAMIR"**

1 157 608 (one million one hundred fifty seven thousand six hundred eight) shares of common stock of the JSC "UZVAGONTAMIR" constituting the aggregate of 39% (thirty nine percent) of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 1 739 150 (one million seven hundred thirty nine thousand one hundred fifty) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 39% of shares of the Company and to take upon investment obligations.

JSC "UZVAGONTAMIR" is a new subdivision of the State Joint-Stock Railway Company "Uzbekiston Temir Yullary" the mission of which is the implementation of the sole technical and economic policy on provision of transportation of consumption goods by intact freight trains and containers. The enterprise produces, as well as executes of current and scheduled repairs (depot's and major) of all types of freight trains. Customers of the JSC "UZVAGONTAMIR" are enterprises of the State Joint-Stock Railway Company "Uzbekiston Temir Yullary" and other enterprises of various industries of the Republic of Uzbekistan, as well as Kazakhstan, Kirgizistan and Tajikistan.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules and Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

**The Tender Documentation can be purchased till the date of October 25, 2004.**

**The Bid Submission Deadline is November 25, 2004.**

For all issues related to the tender, please contact:

*The Work Body of the State Property Committee:*
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 17th Floor
Uzbekistanskaya str. 55
700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Ulugbek Vahabov
Director General

Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@mail.tps.uz

*Financial Adviser:*
Investment company "FINAM"
20, Dayev side str., "Dayev-Plaza" Business-Center, 2.16 office, Moscow, Russian Federation, 103045

Attention: Mr. Maxim E. Kuzin
First Deputy Director General

Telephone: +7 (095) 204 83 78, 204 81 40
Fax: +7 (095) 204 8107
Email: mxk@finam.ru
mxk@freemail.ru

9831-1Н/2158


## *Болажонларга туҳфа*

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси мамлакатимиздаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёрдамга муҳтож кишиларга беминнат моддий ва маънавий кўмак бериб келмоқда. Куни кеча жамғарманинг Бухоро вилояти бўлими ходимлари хайрия тадбири ўтказдилар. Унга кўра махсус мактаблар ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига кийим-кечак, дори-дармон ва турли ўйинчоқлар туҳфа этилди.***

***Айни пайтда жамғарма ташаббуси билан ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар тиббий текширувдан ўтказилиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётир.***

**Ўз мухбиримиз.**



*Яхшидур аччиқ ҳақиқат*

# АРОСАТДАГИ МАҲАЛЛА

***Кейинги йилларда Наманган шаҳри ҳам эни, ҳам бўйига ўсиб, унинг атрофида янгидан-янги турар жой даҳалари барпо этилди. Жумладан, ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида шаҳарнинг шимолий қисмида «Ёшлик» турар-жой даҳасига асос солинди. Одамлар янги уй-жой қуриб, маҳаллаларга бирлашишди. «Мустақилликнинг беш йиллиги» маҳалласида бўлсангиз, уй-жой бинолари, иншоотлари жадал қурилаётганидан ҳайратга тушасиз. Бу яхши, албатта. Унга қўшни бўлган «Бўстон-Чаманзор»га борсангиз эса бунинг аксини кўрасиз.***

***Сабабини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди.***

— Новвойхонага ўт тушибди.

Деразасидан қоп-қора тутун бурқсиётган бино атрофига бир зумда тўпланиб улгурган одамларнинг ёнғинни бартараф этишга уринишлари фойда бермай, оловнинг тили тобора кўкка ўрлади. Одамлардан бирининг телефонга чопиб, «01»га сим қоққани ҳам тез натижа бермади. Боиси, ҳудудга яқин жойдаги ўт ўчирувчилар маҳалла туманга қарашли эканлигини, тумандагилар эса аксини айтишди. Икки орада ёнғин манзили аниқлангунча кўпчилик корига яраб турган новвойхона биноси ёниб битганди.

Ўша куни ўт ўчирувчиларнинг қандай иш тутишгани уларнинг виждонига ҳавола. Аммо, Наманган шаҳри чеккасидаги беш ярим минг аҳоли истиқомат қилаётган ушбу масканнинг аросатда қолиб келаётгани бор гап. «Бўстон-Чаманзор» маҳалласи таркибидаги Бўстон, Гаистон, Меҳнатобод кичик қишлоқлар Наманган туманининг «Самарқанд» ширкат хўжалиги ҳудудига киради. Бу ер ўн беш йил илгари аҳолининг якка тартибда уй-жой қуришга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида вилоят ҳокими қарори билан Наманган шаҳри ихтиёрига ажратиб берилганди. Дастлабки йиллар янги жойга тумандан 1035 нафар, шаҳардан 800 нафар аҳоли кўчиб чиқиб яшай бошлади. Лекин ижтимоий масалаларни ҳал этиш борасидаги муаммолар йилдан-йилга кучайиб борди. Бу орада маҳалла туман қарамоғидан шаҳарга ўтди. Бироқ қоғоздагина, холос.

— Янги маҳаллага ҳовли-жой қилиб кўчиб чиққанимга тўққиз йил бўлди, — дейди Мадаминжон ота Ҳамидов. — Ўшанда «Жуда баҳаво жойда яшайдиган бўлдинглар, ҳадемай, у шаҳардан қолишмайдиган масканга айланади», деб ишонтиришганди. Уларнинг бу гаплари сароб бўлиб чиқди. Ҳатто яшаш учун зарур бўлган шароитларни яратиб бериш ҳам катта муаммога айланди. Биринчи навбатда бизни қийнаётган нарса — ичимлик ва оқар сув масаласи.

Мадаминжон отанинг куюнганича бор. Дастлаб ширкат хўжалигининг ишлари юришиб турган паллада бу ерда оқар сув сероб бўлиб, одамлар ҳовли жойларини боққа айлантиришди. Ўшанда кўчалар ҳам яшнаб, одамларнинг кайфияти баланд эди. Бора-бора ариқлар қуриб қолди. Шиғил-шиғил ҳосилга кирган ток, анор, олма, ноклар қовжиради.

— 180 туп «чемпион» навли шафтоли ўстиргандим, сувсизликдан қуриб кетди, — сўзида давом этади М. Ҳамидов. — Каттагина боғимда саноқли бодом ва олма кўчатларинигина асраб қолдим. Ҳар бирининг тагига пақирча ўрнатиб қўйибман. Кунда-кунора 3,5 чақирим наридаги каналдан сув ташиб суғораяпман. Дарахтлар-ку бир нави, ичимлик сув йўқлигидан одамларнинг ночор аҳволдалигини айтмайсизми?

Тўғри, шаҳар ҳокимлиги топшириғи билан махсус машинада тоза ичимлик сув келтириш йўлга қўйилган. Бироқ, иккита машинадаги сув билан беш ярим минг кишининг эҳтиёжини қондириш осон деб ўйлайсизми? Шу ҳудудда яшовчи Абдуқодир Абдураҳмоновни аравачага бешта бидонни юклаганича анҳорга йўл олган пайтда учратдик.

— Ҳафтасига берилаётган тўрт челак сув билан кун кечириб бўлармиди, — деди у. — Оилада беш кишимиз. Баъзан, ғамлаган сувимиз тугаб қолиб, анҳор сувини ичишга мажбур бўлаяпмиз.

Гарчи, ичимлик сув келтириш борасида вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ёрдам қўлини чўзиб, 1,2 километрлик қувур тортилган бўлса-да, уни ниҳоясига етказиш ҳамон муаммолигича қолмоқда.

«Бўстон-Чаманзор»да одамлар турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ бундай муаммолар талайгина. Энг аввало, унга асос солинганлигига кўп йиллар бўлганлигига қарамай «Бўстон-Чаманзор»ни тўлақонли маҳалла сифатида шакллантириш ниҳоясига етказилмаган. Чунончи, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг 3,5 мингдан ортиғи доимий қайддан ўтказилмаган. Оқибатда фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга мақсадли хизмат кўрсатиш, иш билан банд қилиш, болаларни мактабгача тарбия ва таълим муассасаларига жалб этишда мураккабликлар вужудга келган. Хонадонларга газ етказиб бериш, фуқароларни 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, алоқа хизматини ташкил этишдаги чалкашликлар, янги иш ўринлари яратиш борасидаги сусткашликларни-ку қўяверинг. Яна бир гап. Бугун маҳалладаги мингдан ортиқ киши иш тополмай овора. Фуқароларнинг кўп бора мурожаатларидан сўнг вилоят ҳокимлигида махсус комиссия тузилиб, мазкур ҳудудларни ривожлантириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Шунга ҳам мана икки йил бўлди. Лекин маҳаллада ҳеч нима ўзгармади.

«Бўстон-Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилаётган Низомжон Зиёвиддиновнинг бир оёғи маҳаллада бўлса, иккинчиси юқори идораларда. Уни аҳолини қайддан ўтказишдан тортиб, кўчаларни номлаш ва бошқа масалалар ечими ташвишлантириб келмоқда.

Наманган шаҳри ва Наманган тумани орасида аросатда турган «Бўстон-Чаманзор»нинг қачон ҳақиқий эгаси топилиб, қачон муаммолари ечилади, бу саволга бугун вилоятда ҳеч ким жавоб беролмаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


BANK
ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ташкилот ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси ТИАА «Ўзбектендерконсалтинг» Агентлиги




Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2004 йил 22 октябрь соат 17.00 гача.

Тендер шартлари ва маълумотлар олиш учун «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат қилиш мумкин.

Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75- уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги биноси.
Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс 68-75-96.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

# Эъзоз бошлар шифокорнинг ҳузурига



Қувадаги "Сино" даволаш-ишлаб чиқариш бирлашмасида узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келаётган Маҳамадали Мамажоновни ҳамкасблари терапевт-стоматолог сифатида яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Фақат тиш оғриғи эмас, ҳурмат ва эъзоз ҳам уларни бу стоматолог ҳузурига бошлаб келади. Ҳурмат эса ўз-ўзидан туғилмайди. Бунинг учун ақл-идрок, илм, ҳалоллик билан бир қаторда тинимсиз ва заҳматли меҳнат ҳам лозим бўлади.

Одамлар билан гавжум шифокор қабулхонасидамиз. Биров милкларидан шикоятланса, бировни тиш оғриғи безовта қилади. М. Мамажонов эса уларнинг ҳар бирига тўғри муолажалар қўйиб, маслаҳатларини аямайди.

— Аксарият кишилар тишларининг касалликка чалинганлигини билсалар-да, оғримаяптику, деган ўй билан бефарқ юришади, — дейди у. — Агар кариес ўз вақтида даволанмаса ундаги яллиғланиш тиш бўшлиғига, кейин эса унинг илдизига ўтади. Натижада касаллик хуруж қилиб, оғир асорат билан ҳузуримизга келишади. Уларнинг биргина лоқайдлиги туфайли тишларини муддатидан олдин суғуриб ташлашга тўғри келади.

Стоматология соҳаси мутахассисдан эҳтиёткорликни талаб этади. Озгина эътиборсизлик ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. М. Мамажонов иш тажрибасида эса бундай ҳолатлар кузатилмайди. Унинг айтишича, даволаш жараёни игна билан қудуқ қазишдек гап. Лекин баъзи "ишбилармонлар"нинг олий маълумотга эга бўлмасдан ўз уйларида тиш олиш ва тиш қўйиш каби мураккаб ишлар билан шуғулланаётгани ачинарлидир. Зеро, тиш — ризқ-насибамизнинг қўриқчиси, аниқроғи, организмимизнинг тегирмонидир. Бу дуру дандонларни эҳтиёт қилинг ва Маҳамадали сингари тиш табибларининг гапларига қулоқ тутинг.

**Дилоромхон БОТИРАЛИЕВА,**
**Қува шаҳри.**

*Янги китоблар*

***Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Эътиқодга бахшида умр» деб аталувчи рисоласи — муфтийлар сулоласи: бобо — Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, ўғли — Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон, невараси — Шамсиддинхон Бобохоновнинг фаолиятлари тарихи акс этган китобдир.***




# Эътиқод — маънавият замини

Мен бу асарни ўқиб, энг аввало истиқлол неъматига яна бир бора шукроналар айтиб, ёзувчимиз кўтарган эътиқод мавзуси тарихимиз, динимиз, маънавиятимиз ва айниқса, ҳозирги кундаги мўмин-мусулмонлар тарбияси учун ҳам жуда савобли ва керакли китоб деган фикрга бордим.

Рисола Тошкент шаҳри мисолида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва шўролар даври ҳаёти ҳамда истиқлолдан кейин маънавиятга берилаётган эътибор тарихий ва замонавий маълумотлар орқали ёритилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг дастлабки сатрлари билан танишганимиздаёқ, тарихимизга оид кўп нарсаларни билиб оламиз.

Назаримда, нисбатан ихчам бир рисолада ёзувчимиз жуда катта аҳамиятли мавзуни ёритган. Ҳақиқатдан ҳам, муаллиф таъкидлаганидек, ўзининг инсонлигини таниган киши учун бу дунёда эътиқоддан муҳимроқ нарса йўқ. Ўз эътиқодига содиқ зотларнинг номлари дунё тургунча эътиборда эканлиги исботланган сатрларни ўқиб, ўзимиз учун катта ибрат оламиз.

Мустабид шўро даврида бутун маънавий қадриятларимиз топталган, хусусан, муқаддас динимиз бўлмиш ислом дини унутилаёзган бир замонда яшаганимиз эндиликда барчага маълум. Аммо ана ўша замонда диний иймон-эътиқод учун ўзини фидо қилган зотларни халқимизга, айниқса, ёш авлодга таништириш, хотираларини ёдга олиш улуғ савобга эга бўладиган таҳсинга лойиқ амалдир. Эшон Бобохон ва Зиёвуддинхон муфтий ҳазратлари мустабид шўро даврида, гўёки қўлларида чўғ ушлаб туриб, иймон-эътиқодимизни, уламоларимизни сақлаб қолишга сабаб бўлган мунаввар зотлардир. Чуқур ўйлаб кўрсак, бу улуғ зотларнинг қилган ишлари ибратли даражададир, яъни иймон-эътиқод учун бир оғиз сўз айтиш мумкин бўлмаган замонда яшаб, фаолият кўрсатганлар. Дилларидаги холис, эзгу ниятлари сабабли динимиз учун улкан ишларни муваффақият билан бажарганлар.

Бу рисолани ўқиган ҳар бир ватандошимиз ҳам шундай хулосага келса ажабмас. Уларнинг давомчилари бўлмиш исломшунос олим ва дипломат Шамсиддинхон Бобохонов илмий иш билан шуғулланиш баробарида ташқи сиёсатимизни мустаҳкамлаш, чет мамлакатларда Ўзбекистоннинг нуфузини юксалтириш йўлида самарали фаолият кўрсатди. Элчи лавозимида ишлаб, чет давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, юртимизда эришилаётган ютуқларни тарғиб этишда катта хизмат қилди.

Ёзувчи ушбу рисоланинг фаолияти мисолида тарихимиз, динимиз, уламоларимиз ҳақида муҳим масалаларни баён қилганлар. Зеро, у мустабидлик даври билан ҳозирги ҳаётимизни қиёслашда муҳим манбадир. Жаҳолатга қарши курашда шундай рисолалар ҳам қўл келиши табиий.

**Анварқори ТУРСУНОВ,**
**Тошкент шаҳар бош имом хатиби.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси



ўз ҳудуди, бино ва иншоотларини қўриқлаш тизимини ташкил этиш учун тендер ўтказади.

*Тендер материаллари 2004 йил 1 октябрь соат 9.00 дан 18.00гача қабул қилинади.*

Маълумот учун телефонлар: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси молия-хўжалик бўлими. Манзил :Тошкент ш., акад.Я.Ғуломов к.,66. Телефонлар: 133-74-57,55-68-40 (техник маълумот).

9844Н/2157

BUSINESS SOLUTIONS

ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ТАКЛИФ

**«BUSINESS SOLUTIONS» компанияси Ўзбекистондаги ўрта ва катта компанияларга менежмент консалтинг хизматлари кўрсатади ҳамда республиканинг Тошкент вилоятидан ташқари барча вилоятларидаги қизиқиши бор шахслар ва ташкилотларни қуйидаги йўналишларни амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилишга таклиф этади:**

— социологик, маркетинг тадқиқотлари;
— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш (хорижий инвестицияларга қизиқиши бўлган маҳаллий компанияларни излаш);
— маҳаллий компаниялар учун хорижий инвесторларни излаш.

**Номзодларга талаблар:**

— офис техникаси борлиги: принтер, нусха кўчириш машинаси, компьютер;
— офиснинг борлиги;
— электрон почта, Интернетдан фойдаланиш имконияти борлиги;
— стажёрларни қабул қилиш имконияти борлиги;
— консалтинг соҳасида, тренинглар ўтказишда 2 йилдан ортиқ тажрибага эгалиги.

Қизиқиши бор номзодлар ёки ташкилотлар ўз резюмеларини ёки ташкилот ҳақидаги маълумотни қуйидаги электрон почтага: biznessolutions@tkt.uz info@biznessolutions.com ёки факсга: 8 (371)120-57-13 юборишлари мумкин.
Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳамза кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 15-қават, 1513, 1516-хоналар.

9819Н/2088

Юртимиз пахтакорлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Сизлар учун 3 ой ва 1 йил муддатга қабул қилиниб, муддатига мутаносиб равишда йиллик 25 фоиздан 38 фоизгача даромад тўланадиган

"Оқ олтин", "Пахтакор", "Саховат"

муддатли омонатларини таклиф этади!

Ушбу жамғарма омонатларга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

BRITISH COUNCIL

**The British Council** is the United Kingdom's international organisation for educational opportunities and cultural relations .

**The British Council in Uzbekistan** has a vacancy for a:

**Project Supervisor**

***The Role:***

- To plan, coordinate, direct and develop a new Youth Exchange Project based in Bukhara for 9-15 months;
- To work with Project partners to ensure adequate support and supervision of groups of volunteers from Uzbekistan and the UK;
- to facilitate the training and learning of the volunteers;
- to manage Project finances;
- to monitor and evaluate the project and report regularly to the partners.

***Requirements:***

- University degree
- Project management experience
- Excellent interpersonal skills
- Fluent spoken and written English, Russian and Uzbek.
- Good computer skills
- Previous experience of youth and/or community work is desirable.

Interested candidates should submit

- a statement in English (up to 500 words) explaining their suitability
- a curriculum vitae
- a recommendation letter from a previous employer to

**The Director**
**The British Council**
**D.Kounaev Street, 11**
**Tashkent**
**e-mail: bc-tashkent@britishcouncil.uz**
**Fax: 1206371**
**Tel: 1206752.**

Closing date for applications: **11 October 2004**

ХАЛҚ БАНКИНИНГ

миллий валютадаги пул жўнатиш хизмат тури

**республикамизнинг исталган ҳудудига пул ўтказмоқчимисиз?**

Бунда сизга Халқ банкининг филиалллараро

«Тезкор»

пул жўнатиш хизмати яқиндан ёрдам беради.

Сиз маблағингизни халқ банкининг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.

**"ТЕЗКОР" — ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.**

**Қўшимча равишда, банкнинг «Ишонч телефони» эътиборингизга ҳавола этилади:**
**173 - 89 - 44, 45 -35 -43**
**Маълумот учун телефонлар:**
**(371) 173-69-15, 173-69-16 (ички 126)**

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси

2005 йил пахта ҳосилига тайёрланадиган уруғлик чигит учун керак бўладиган:



Уч қаватли

крафт қоғоз қоплари,

ўлчами 500х950 мм.

учун танлов эълон қилади.

***Ушбу масала бўйича "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг тендер комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.***

*Уюшма маъмурияти.*

*Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 8-а уй.*
*Тел: 120-42-11,120-42-22,120-42- 77,120-42-42.*

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва халқаро журналистика факультети жамоаси катта ўқитувчи Илҳом Дилмуродовга онаси

**Ҳожар ая**
**ТОШ қизининг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«COSCOM» компанияси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси компаниянинг Андижон филиали ҳуқуқшуноси Авазбек Аҳмедовга умр йўлдоши

**Антихон**
**АҲМЕДОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мирaлимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тогаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.20 1 3456